

Имом Молик Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар (с.а.в.) айтадилар:

" **«فِي دَابِلِ لَهُ لَضَفِي مَبْفٌ حَجَلًا وَقَالَ طَلُّوا ضَرَّاءَ الْفَالِ مَلْعَتِي مَلْ نَم»** "

«Фароиз, талоқ ва ҳажни (ҳукмларини) ўрганмаган киши саҳро аҳлидан нимаси билан фарқ қилади?!» Яъни, саводсизликда саҳродаги илмдан беҳабар омиё кишидан унинг фарқи йўқ.

Саҳобий ва тобеинлар фароиз илмининг фазли, аҳамиятини англаб етганларидан уни ўрганиш ва татбиқ қилишга беҳад эътибор қаратар эдилар. Саҳобий ва тобеинлар даврида фароиз Қуръон, суннат ва хулофо рошидинлар ижтиҳодлари асосида ташкил топган эди. Уларнинг давридан кейин бу илмга аҳамият бироз озайди. Лекин мазкур илм ҳақидаги китоблар таълифи ривожлани ҳижратнинг III-асрига тўғри келади.

Маълумки, фикҳий масалалар орасида энг ихтилофи оз бўлгани ва барча масалалари иттифоқ қилингани фароиз илмидир. Зеро, фароиз ҳукмлари асосан Қуръони карим ва унинг баёни ҳисобланган пайғамбар (с.а.в.) ҳадисларида белгилаб берилган. Исломи шариатида меросга бу даражада эътибор қаратилишининг сабаби, мерос молу мулкга эга бўлишнинг асосий муҳим сабабларидан биридир. Молу мулк эса шахсга ҳам, жамиятга ҳам нисбатан ҳаётнинг асос ва устунидир. Тирик жон борки, бир куни вақт-соати битиб, унинг бошига ўлим келади. Ворислар орасида, мерос моли сабабли адовату жанжалга йўл қўймасликнинг ягона йўли йўқдан бор қилган, бандаларнинг аҳволидан хабардор бўлган Зотнинг кўрсатмалари асосида тақсимот юритишдан иборатдир.

Қизил империя замонида мусулмон миллатимизни Иломдан, унинг ҳукмларидан узоқлаштиришга уринилди. Натижада, ўз динидан беҳабар на динни ва на урф-одатларни тушунмайдиган, англаб етмайдиган насл вужудга келди.

Аллоҳга беадад шукрки, мустақиллик сабаби ила бизни бу диний бесаводликдан қутқариб, миллатимизга ўз динини қайтариб берди. Ана шу мустақиллик шарофати билан диёримиздаги ислом ўқув юртларида диний билимларни чуқур ўргатиш ва ўрганиш имкони кенгайди.

Биз ҳам барча мусулмонлар, хусусан ислом билим юртларидаги талабалар ўрганиши қулай бўлиши учун қадимдан диёримизда истеъмолда бўлган китоблардан, шунингдек ҳозирги замон ислом олимлари тарафидан ёзилган фароизга доир китоблардан фойдаланиб, фароиздан маърузалар

матнини жамладик, иложи борича мухтасар тарзда баён қилишга ҳаракат қилдик.

Аллоҳ таолодан бу ҳаракатни Ўзининг розилиги учун қилинган ишлардан айлашини сўраймиз. Тўғри ифода қилган бўлсак, бу Аллоҳнинг тавфиқи ва фазлидандир. Ишимизда хато-камчилик содир бўлган бўлса, биздан ва шайтондандир. Шу ўринда қози Абдураҳим ибн Алий Бийсоний Имом Исфаҳонийга ёзган хатларидан қуйидаги жумлаларни келтиришни жоиз деб топдик: «Мен кўрдимки, бирон китоб ёзган инсон эртасига ёки ундан кейинроқ «Бу жойи ўзгартирилса яхши бўларкан, бу жойига зиёда қилинса чиройли бўларди, бунисини олдинроқ келтирилса афзал бўларди, мана бу жойини ташланганда гўзал бўларди» деб айтади. Шунинг ўзи барча башариятдан нуқсон содир бўлишига далил ва буюк ибратдир».

Муҳаммадайюбхон домла